

9-синф

ЎЗБЕК ТИЛИ

3-вариант

№ 1. Қуйидаги гапда эга қайси сўз туркуми билан ифодаланган?

- Билган билганин ишлар, билмаган бармоғини тишлар.
- а) отлашган сифатдош билан б) феъл билан
в) отлашган сифат билан г) от билан

№ 2. Содда феъл кесимни белгиланг.

- а) ўрнидан б) билинар
в) мард г) ирғиб

№ 3. Тўлиқ гапни белгиланг.

- а) Мен узоққаи деб ташвишланган эдим. б) Ҳа, сиз учун.
в) Мен учун-а? г) Нега?

№ 4. Боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар бир-бири билан қандай бирикади?

- а) тенг боғловчилар ёрдамида
б) интонация, оҳанг ёрдамида
в) эргаштирувчи боғловчилар ёрдамида
г) қўшимчалар ёрдамида

№ 5. Қуйидаги гапдан эга ва кесим вазифасида келган сўзни аниқланг.

- Ўн беш ўспирин сайрга кетди.
- а) Ўн беш кетди б) ўспирин кетди
в) Ўн беш ўспирин г) Ўн беш бола

№ 6. Миқдор ҳолини кўрсатинг.

- а) касаллигидан б) эрталаб
в) ўртада г) анча

№ 7. Қуйидаги ажратилган сўзни гапдаги вазифасини аниқланг.

- Биз даладан жуда кеч қайтдик.
- а) эга б) тўлдирувчи
в) кесим г) ҳол

№ 8. Воситали тўлдирувчини кўрсатинг.

- а) китобни б) Раҳим
в) онам учун г) даладан

№ 9. Бош бўлақлардан иборат уюшиқ бўлакли гапни аниқланг.

- а) Тўтиқиз бир Дилшодга, бир холасига қаради.
б) Гулой, Тўти, Қумрилар тўйга кетишди.
в) Ўша кунлар ҳеч эсдан чиқмайди.
г) Гулзорлардан, боғлардан ўтдик.

№ 10. Ундалма қатнашган гапни аниқланг.

- а) Бугун, соат бешда, мажлис бўлади.
б) Сойда, ёнғоқ тагида, болалар тўпландилар.
в) Ҳайрият, йиғиб-териб олишди.
г) Иссиқкўл! Қирғиз диёрининг сўнмас кўшиғи.

№ 11. Ишоравий белги нотўғри қўйилган гапни аниқланг.

- а) Унинг Ҳолбек деган дўсти - чаккасида данакдай холи бор бола - бир кун Авазни болади.
б) Қишлоқдан бир қир нарида - беҳисоб қизғалдоқлар далани кизартириб турган жойда, Хулкар ўт ўрарди.
в) Бугун, соат учда, меҳмонлар келишади.
г) Сойда, ёнғоқ тагида, болалар тўпландилар.

№ 12. Қуйидаги гап эргаш гапнинг қайси турига мансуб?

- Ёмғир тобора тезлашганлиги учун пахтазор бўшаб колди.
- а) натижа эргаш гапли қўшма гап б) мақсад эргаш гапли қўшма гап
в) сабаб эргаш гапли қўшма гап г) пайт эргаш гапли қўшма гап

№ 13. Гапларнинг қандай боғловчи восита ёрдамида боғлаш мумкин.

- Қишлоқ обод бўлди, ... менинг кўнглим шод.
- а) -са ҳам б) деб в) шунинг учун г) чунки

№ 14. Тўлдирувчи эргаш гапнинг тўғри таърифини белгиланг.

- ... тўлдирувчи эргаш гап дейилади
- а) бош гапнинг мазмунини тўлдириб келса ,
б) бош гапдаги олмошни изоҳлаган эргаш гап
в) бош гапнинг мазмунини изоҳлаб келса ,
г) бош гапдаги кўрсатиш олмоши билан ифодаланган тўлдирувчи изоҳлаган эргаш гап

9-синф

ЎЗБЕК ТИЛИ

3-вариант

№ 15. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гапни белгиланг.

- а) У шундай одим ташлаб кетдики, натижада унга ҳеч ким етаолмади.
- б) Билим шундай хазинаки, у сарфлангани билан тамом бўлмайди.
- в) Биз истаймиз: барча эллар тинч яшасин.
- г) Оқ , пушти гулларга қараб дилимиз яйрайди.

Қушлар шоҳи – бургутлар тўғрисида халқимизда кўп ривоятлар бор. Ўтган йил кузнинг ўрталари эди. Қашқадарёнинг энг баҳаво Мироқи тоғи этакларида булоқ бўйида ўлиб ётган бургутни кўрдик. Тоғлар ҳукмдорининг бундай фожиали ҳалок бўлиши бизни жуда-жуда ажаблантирди. Яқинроқ бориб қарасак, бургутнинг бўйнида илон чирмашиб ётибди. Бургутнинг зўриқиб чакчайган кўзлари нурсиз. Тоғга келиб урилганидан бўлса керак, бир қаноти эгилган. Илон ҳам ўлиб ётар эди. Илоннинг боши мажақланиб кетибди. Хайрон қолдик. Наҳотки бургут илондан ожизлик қилиб ҳалок бўлган бўлса? Бу саволга ҳамроҳимиз жавоб берди: - Бургутлар илонга ўч бўлишади.

Бургут илонни чангалига олиб кўкка парвоз қилган пайтда, илон аста-секин унинг бўйнига чирмашиб, уни бўға бошлар экан. Ҳолсизланган қуш бекорга ўлиб кетишни истамай, ўзини зарб билан қояга ёки тошга уриб, ўзини ҳам, рақибини ҳам ҳалок қиларкан. Ҳамроҳимиз бургутларнинг шу тарзда ҳалок бўлганини аввал ҳам учратганлигини ҳикоя қилиб берди.

№ 15. Қушлар шоҳи...

- а) Саъва
- б) Бедана
- в) Бургут
- г) Какку

№ 17. Бургутлар нимага ўч бўлишади?

- а) Чивинга
- б) Илонга
- в) Итга
- г) Айиққа

№ 18. Бургут қай ҳолатда ҳалок бўлади?

- а) Югуриб ҳалок бўлади
- б) Индамай
- в) Ўзини қояга уриб
- г) Ҳолсизланиб

№ 19. Ҳолсизланган бургут...

- а) Илонни чангалига олиб кўкка парвоз қилган
- б) Бекорга ўлиб кетишни истамаган
- в) Қоядан ўзини олиб қочган.
- г) Қаноти қайрилган

№ 20. Бу ҳикоядан қандай хулоса чиқардингиз?

- а) Мағрурлик
- б) Ақллилик
- в) Ялинчоқлик
- г) Енгилмаслик

Баллни баҳога айлантириш шкаласи

Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади. Жами топшириқларнинг миқдори - 20

баллари	баҳо
0-7	«2»
8-11	«3»
12-14	«4»
15-20	«5»